ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент Фармацевтика институти

Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси

Умарова Ирода Ўлмасовна

Битирув малакавий иш

# МАВЗУ:
# ЎСМА КАСАЛЛИКЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ИЗЛАНИШЛАР

Илмий раҳбар: доц. Г.А.Султонова

Тақризчи: ф.ф.н. А. Ашуров

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI
№
KUTUBXONASI

Тошкент-2013

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

Фармация факультети Қайта тайёр. фак.

кафедраси Фармация йўналиши 1/1 гурухи

Тасдиқлайман ___

Кафедра мудири Умарова Ш.

2013 йил «24» июнь

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Умарова Шерода
(фамилияси, номи, шарифи)

1. Битирув ишининг мавзуси Усма касалликларида ишлатиладиган д/в таъминотини яхшилаш бўйича изланишлар

2013 й. «18» 06 кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув иши топшириш муддати 24.06.2013

3. Битирув ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар Дори воситаларини таъминотига оид ва усма касалликларига оид маълумотлар.

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) 1. Ўзбекистон республикаси давлат профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари.
2. Бозор иқтисодиёти шароитида дори воситаларидан оқилона фойд.

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)
1. Тошкент вилоят усма касалликлар диспансери ҳолати учун дори воситалар таъминоти таҳлили.
2. Тошкент вилоят усма касалликлар диспансери ҳолати учун дори воситалар таъминоти таҳлили.

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчи(лар):

| № | Бўлим мавзуси | Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш. | Имзо, сана | |
|---|---|---|---|---|
| | | | топшириқ берилди | топшириқ бажарилди |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

7. Битирув ишини бажариш режаси

| № | Битирув иши босқичларининг номи | Бажариш муддати (сана) | Текширувдан ўтганлик белгиси |
|---|---|---|---|
| 1. | БМИ нинг адабиёт- | | |
| | лар шарҳини тай- | сентябрь | |
| | ёрлаш. | октябрь 2012й | бажарилди |
| 2. | БМИ Амалий қис- | ноябрь-2012 | |
| | мини дисчансерда | декабрь 2012 | |
| | бажариш. | январь-март 2013 | бажарилди |
| 3. | БМИ амалий қис- | апрель 2013 | |
| | мини ёзиш. | май 2013й | бажарилди |
| 4. | БМИ нинг якун- | | |
| | лаш. | май 2013 | бажарилди |

Битирув иши раҳбари Г. А. Султонова ____ (имзо)
(фамилияси, исми, шарифи)

Топшириқни бажаришга олдим Умарова Ирода ____ (имзо)
(фамилияси, исми, шарифи)

Топшириқ берилган сана 200____йил

Мавзу: Ўсма касалликларида ишлатиладиган дори воситаларининг таҳлилотини ўрганиш бўйича изланишлар.

Мундарижа

I. Кириш .................... 2бет
II. Адабиётлар шарҳи.
1. Ўзбекистон Республикаси даволаш профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ........ 4б
2. Бозор иқтисодиёти шароитида дори воситаларидан оқилона фойдаланиш ..13б
III. Амалий қисм.
1. Тошкент вилоят ўсма касалликлар клиникаси фаолияти .......... 26б
2. Онкологик касалликларда қўлланиладиган дори воситалар ассортименти ва таҳлилотини ўрганиш ..38б
IV. Хулоса ..................... 47б
V. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ...48б

## Кириш.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таърифига кўра соғлиқ бу - одамда касалликнинг йўқлигигина эмас, балки инсоннинг ҳар томонлама жисмоний, руҳий ва ижтимоий осойишталиги ҳолидир, деб ифодаланади.

Бугун дунё аҳолисининг сонининг [illegible] ошаётган ва табиатнинг [illegible] бўлган касалликларидан бири бу онкологик касалликлардир.

Ҳар йили дунё бўйича тўққиз миллиондан ортиқ одам саратон билан касалланиб, улардан олти миллионга яқин одам ҳаётдан кўз юмади. Ривожланган давлатлардаги ўлимга сабаб бўлувчи кўрсаткичларга асосан, саратон касаллиги иккинчи ўринни эгаллайди.

Хавфли ўсмалар муаммосини ечиш соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимининг сифати ва самарадорлиги жамиятнинг со-

ижтимоий-иқтисодий ривожланиши би-
лан узвий боғлиқдир. Ўзбекистон
соғлиқни сақлаш тизими охирги
йилларда социал-иқтисодий ис-
ҳотдан ўтган шароитларда фао-
лият кўрсатмоқда.

Шунга қарамасдан, давлатимиз
томонидан президентимиз раҳбарли-
гида аҳолини, айниқса [illegible]-
ган касалликлар билан касаллан-
ган беморларни дори воситалари
билан таъминлаш ишларига ҳам-
да катта эътибор қаратилмоқда.

Мазкур БМИ [illegible] касаллик-
ларида ишлатиладиган дори воси-
таларининг таъминотини ўрга-
нишга бағишланганлигидир.

Илмий ишнинг тадқиқот
объекти сифатида Тошкент вилоят
Ўсма касалликлар диспансери
танлаб олинган.

## Адабиётлар шарҳи

### 1.1. Ўзбекистон Республикаси даволаш профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аҳолининг соғлигини сақлаш, муҳофаза қилиш ва даволашни давлат томонидан кафолатланганлиги қайд этилади. Бу эса Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонун, Президент фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари кўринишида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан ҳаётга татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасида аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминотни такомиллаштириш мақсадида бир қанча қонун, қарор ва буйруқлар қабул қилинган, шулардан:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни

сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлаш ишларини яхшилаш, дори воситаларини харид қилиш учун ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва аҳолига кўрсатилаётган даволаш-профилактика ёрдамининг сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 5 декабрдаги №539-сонли ва 2009 йил 24 июлдаги №230-сонли „Асосий дори воситалари рўйхати" ни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинган (1-илова).

2. „Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги (1999 йил 15 апрелдаги ўзгартириш ва қўшимчалари билан) қонуни, унга асосан аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларни таъминлаш, шунингдек тиббий хизматларининг сифатини ошириш

учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш чоралари белгилаб қўйилган.

3. Республика аҳолисини дори-дармонлар, вакциналар ва тиббий буюмлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 6 августдаги № 404-сонли „Республикада дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлар билан таъминлашни ва уларни тақсимлашни яхшилашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.

4. Салбий кўринишларга барҳам бериш, республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш ва дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмларини сотишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январь № 19-сонли (2003 йил 2 октябрдаги қўшимча ва ўзгартиришлар билан) „Дори-дармон воситалари ва тиббий буюмлари

сотишни тартибга солиш тўғрисида“ги қарори.

5. Даволаш-профилактика муассасаларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни янада яхшилаш, уларни тармоқидаги дорихоналар ишини такомиллаштириш, ривожлантириш, ҳамда мавжуд йўқотишларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 2001 йил 5-сентябрь № 400-сонли „Даволаш профилактика“ муассасалари дорихоналари ишини яхшилаш тўғрисида“ги буйруғи.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрь № 456-сонли „Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги қарори ва шу қарорга илова тўғрисида, „Комплект, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тўғрисида“ги низомга асосан Ўзбекистонда тендер сав-

дорилари аҳолига ошириб келинади.

Тендер асосида харидланмаган ҳолда сотиб олинаётган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари биринчи навбатда аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш профилактика муассасаларига ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган беморларга тақсимланади.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида тендер асосида давлат эҳтиёжлари учун дори воситалари ва тиббий буюмлар харид қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қўшимча тарзда харидланмаган ҳолда сотиб олинаётган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ҳисобига таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 2006 йил 8 ноябр 545-сонли „Тендер асосида харидланмаган ҳолда сотиб олинаётган дори

воситалари, тиббиёт буюмларини
қабул қилиш, сақлаш, тақсимлаш,
ҳисобга олиш ва мақсадли иш-
латилишини назорат қилиш тартиби
тўғрисида"ги буйруғига асосан
барча даволаш-профилактика муас-
сасаларининг эҳтиёжини бир йил
мобайнида қондириш мақсади-
да уларнинг умумий миқдори-
ни бўлинган ҳолда чоракма
чорак тақсимланган тақсимот
асосида Республика тасарруфида-
ги даволаш-профилактика муасса-
саларига, Қорақалпоғистон Респуб-
ликаси ва вилоятлардаги даволаш-
профилактика муассасаларига тарқа-
тилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг қарорига биноан
2000 йил 1 январдан бошлаб давлат
бюджети, бюджетдан ташқари мақ-
садли жамғармалари маблағлари,
шунингдек давлат кафолатланган,
хорижий молия муассасалари,
шу жумладан Жаҳон банки,
Осиё тараққиёт банки, Европа
қайта тиклаш ва тараққиёт
банки, Япония халқаро ҳамкорлик

банки ва бошқалар томонидан бериладиган қўшимча кредитлар ва грантлар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган, ҳамда битта шартнома бўйича юз минг АҚШ долларига тенг миқдордан ортиқ бўлган импорт дори воситалари тендер асосида харид қилинади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кунги, Республика аҳолисини дори воситалари билан таъминлаш долзарб муаммолардан бирига айланди, чунки тахминан 90% дори воситалари чет давлатлардан валюта ҳисобига келтирилар эди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳамма касалликларни даволашда ишлатиладиган асосий дори воситаларидан фойдаланиш, самарадорлигини аниқлаш, уларнинг истеъмоли бўйича маълумотлар тўплаш, иқтисодий юқори самарадор дори воситаларини аниқлаш ва уларни алоҳида беморларга етказиб беришнинг тиббий-ижтимоий ва иқтисодий томон-

ларини ўрганиш мақсадга му-
вофиқ бўлади.

Маълумки, ҳар қандай тоифа беморларни дори воситалари билан таъминлаш касалликнинг динамикасига ва ажратилган ўринлар сони, ўринлар сони, ўринларнинг банд бўлган кунлари сонига бевосита боғлиқдир. Чунки ўринлар сонига қараб давлат бюджети томонидан маблағ ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 1997 йил 6 декабрдаги №586-сонли буйруғи, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги №532-сонли „Даволаш-профилактика муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари"га бағишланган қарорини қабул қилди.

Унга асосан қуйидаги тоифа касалликлар, беморлар сурункали дори воситалари билан давлат бюджети ҳисобидан бепул таъминланиши белгиланган:

1. Онкологик касалликлар
2. Ўпка сили

3. Лепра
4. Эндокринологик касалликлар
5. Руҳий-асаб касалликлар
6. СПИД (спид)
7. Юрак клапани ва органларини кўчириб ўтказиш операциясини бошидан кечган беморлар
8. Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз нафақахўрлар
9. 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар
10. 1941-1945 йиллардаги уруш вақтида меҳнат фронтида қатнашганлар
11. Чернобил АЭС авариясида иштирок этганлар
12. Афғонистон уруши қатнашчилари

Шу буйруққа асосан барча ўпка касалликлар диспансерларида даволанаётган ва бошқа онкологик касалликлар билан оғриган беморлар шифохона томонидан бор бўлган дори воситалари билан бепул таъминот этилиши кўзда тутилган.

## 2. Бозор иқтисодиёти шароитида дори воситалардан оқилона фойдаланиш.

Фақатгина тиббий-дори воситаларидан оқилона фойдаланишнинг асосий мезони сифатида.

Ҳозирги кунда дунё бўйича дори воситаларининг ўн минглаб ортиқ турлари мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич доимий ўсиб бормоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 2008 йил маълумотларига кўра 6000 дан ортиқ дори воситалари қайд қилинган. Шундан қарийиб 5000 таси чет эл дори воситаларидир.

Дори воситалари тўғрисидаги катта ахборот оқими аҳамиятли ўтаётган ишлаб чиқарувчиларни чалғитиб қўйди ва улар ахборот оқими ичидан ҳақиқатдан ҳам самарали, хавфсиз ва қиммат бўлмаганини аниқлашда қийналиб қолади.

Худди шу каби қийинчиликлар бюджет маблағларидан самарали ва тўлиқ фойдаланиш асосида оқилона дори воситалари

билан таъминлаш давлат дастурларини молиялаштирувчи соғлиқни сақлаш ташкилотларининг ҳам муаммосидир. Булар қуйидаги муаммолардир:

- дори воситалари сотиб олиш учун ажратилган маблағларнинг чегараланганлиги;
- терапевтик альтернативлар сонининг доимо ортиб бориши;
- дори воситаларининг нотўғри қўлланилиши ва ишлатилиши;
- дори бозорида самарасиз ва хавфли таъсирга эга бўлган дори воситаларининг мавжудлиги;
- дори воситалари ҳақидаги объектив ахборотнинг йўқлиги;
- дори воситаларининг кенг қамровидаги миқдорини сотиб олиш, сақлаш ва тақсимлашида қиммат туриши;
- дори бозорида хавфли таъсирга эга бўлган дори воситаларининг мавжудлиги.

Бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан қўлланма шаклида бўлган дори воситаларининг самарадорлиги

ва хавфсизлиги тахлил қилиниб, уларнинг ишлатилиш асосларини аниқлаб рўйхат қилиш масаласи кўрилади. Бу рўйхат тавсия амалиётда шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари амалиётида қўлланилиши бўлиб, улар фақатгина шу рўйхатдаги дори воситаларидан фойдаланишлари шарт.

Замонавий тиббиётда ишлатилаётган барча дори воситалари инсонларни даволашдаги аҳамиятига кўра 3 та гуруҳга ажратилади:

- ҳаётий зарур дори воситалари (Vital);
- керак бўлган дори воситалари (Essential);
- иккинчи даражали дори воситалари (Non Essential);

Ҳаётий зарур дори воситалар - бу беморнинг ҳаётини сақлаб қолувчи ва унинг доимий муҳофазаловчи воситалардир (антибиотиклар, инсулин, стероидлар ва бошқалар).

Керакли дори воситалар - ҳаёт учун унча хавфли бўлмаган, лекин кучли касалликларни даволашда ишлатиладиган дори воситаларидир.

Иккинчи даражали дори воситалари селектланган рўйхатга эса тўпланилган, яъни касалликларни даволашда қўлланилмаётган қимматбаҳо ва мавжуд самарадорликка эга бўлган дори воситаларидир.

Дунё миқёсидаги тажриба асосида бизнинг давлатимизда ҳам „Асосий дори воситалар рўйхати" ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 05.12.2009 йил №-539-сонли буйруғи тасдиқланди.

„Асосий дори воситалар рўйхати" асосида шуғлан давлат Соғлиқни сақлаш тизимида дори воситаларини тартибга солинишига ва рационал фойдаланишига олиб келади ва дори воситаларининг тендер асосидаги таъминоти харажатларини маълум миқдорда камайтиради.

Тендер асосида сотиб олиш механизми „Асосий дори воситалар" дори воситалари таъминотчилар орасида энг кам отказиб бериш шароитларини танлаш қиймат чекларини олиш мақсадида танлов эълон қилишни билдиради. Бунда учурақ

KUTUBXONASI

дистрибютер дори воситаларини етказиб бериш шунинг бўлган эгилатлар тамловини асосий шарти бўлиб ҳисобланади.

Зарурий дори воситалари рўйхатини ишлаб чиқиш ва тузишни илмий ва тажрибавий асолари фармацевтик тизимдаги муаммоларни тўлиқ ечиш имконини беради. Бир томондан илмий талабларнинг зарурлигини, иккинчи томондан мулохазалигининг иқтисодий нуқтаи назаридан шартлигини исботловчи илмий эпидемиология, фармакоэкономика ва бошқа соҳаларнинг пайдо бўлиши формуляр система концепцияси тузилишига олиб келади.

Формуляр система – мавжуд бўлган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида дори воситаларидан рационал, тежамкор ва иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланиш ва танланган йўлларини ўзида мужассамлаш

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI
№
KUTUBXONASI

тирган соғлиқни сақлаш тизимида-ги бошқарув тадбирлар мажмуа-сидир.

Ўзбекистон Республикаси форму-лар системаси асосини ёлғиз фор-муляр рўйхат деб номланувчи чиқарилган дори воситалари ташкил қилади. Шифокорлар ўз амалиётида фақат шу рўйхатга киритилган дори воситаларидан фойдаланишлари зарур. Ўзбекистон Республикасида ёлғиз формуляр рўйхатдан ташқари алоҳида оила формулярлар рўйхатлари ҳам мав-жуд.

Формуляр рўйхат тушунча Кли-ник фаолиятдаги қайтот эле-менти ҳисобланади. Клиник фаолиятдаги моҳиятини асосий вазифаси тиббий хиз-матни аниқ, самарали тар-зида дори воситаларини тан-лаш, сотиб олиш усуллари қоидаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишдан иборатдир.

Клиник фаолиятдаги қайтот функциялари:

— дори воситалари формуляр рўйхати-

ни тузиш ва уни доимо ўзгарти-
ришлар киритиб туриш;
- муассаса дори сиёсатини амалга
ошириш (формуляр рўйхатга кири-
тилган ва киритилмаган дори во-
ситалар устидан назорат қилиш,
баъзи дори воситалар қўллани-
лишини чеклаш, ишлаш ва те-
рапевтик таъсири бўйича (алмаш-
тириш қоидаларини киритиш);
- тиббиёт муассасасининг шароитига
мосланган ҳолда асосий нозо-
логик бўйича даволаш қўлланма-
ларини ишлаб чиқиш (тиббиёт
ходимларининг касб маҳоратини
ошириш, муассасанинг техник ва
молиявий имкониятларини кўриб
чиқиш);
- дори воситаларини қўллаш
бўйича ҳамма муассасаларида
муассаса раҳбарияти ва тиббиёт
ходимларига малакавий ёрдам
кўрсатиш;
- тиббиёт ходимларини дори воси-
талари ҳақидаги охирги, замона-
вий ахборот билан таъминлаш,
агар имконият бўлса, формуляр
маълумотномаларини ишлаб чиқиш

ва чоп эттириш;
- дори воситалари қўлланилиши ва ножўя таъсирлари мониторинги маълумотлари асосида, даволаш муассасаси формуляр қўлланмага ўзгартиришлар киритиш мақсадида, дори воситалари қўлланилишини назорат қилиш.

Доимий фаолият қайғатаси (ДФҚ) юқори касб маҳоратига эга бўлган аъзолардан тузилган бўлиши керак. Қайғатага формуляр тузиш жараёнида иштирок этган барча ходимлар киритилиши керак. Мисол тариқасида Доимий фаолият қайғата аъзолари қуйидагича бўлиши керак:

1. Ҳар хил тиббиёт соҳаси бўйича етакчи мутахассислар;
2. Фармацевтик хизмат раҳбарлари;
3. Соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ва олимлар;
4. Соғлиқни сақлаш муассасаси бо таъминот раҳбар ўринбосарлари.

Шифохона бўйича Доимий фаолият қайғата аъзолари шифохона бош шифокори билан даволаш бўйича шифокор ўринбо-

сари ҳамкорлигида тузилади.

Шифохона Доимий фаолият қўмитаси қуйидагича бўлади:

- раис - шифохона бош шифокор ўринбосари;
- котиб - агар дорихона мавжуд бўлса дорихона мудири (фармацевт) ёки клиник фармаколог;
- асосий бўлим бошлиқлари;
- етакчи шифокорлар ва мутахассислар;
- шифохона дорихонаси мавжуд бўлмаса, дори воситалари сотиб олиниши учун жавобгарлар.

Доимий фаолият қўмитаси ўз овозига эга бўлган 7-11 аъзодан ташкил топишга мақсадга мувофиқдир.

Баъзи бир дори воситалари масалалари бўйича ДФК ўз ишларига керакли мутахассисларни чақиртиришлари мумкин. Бу вақтинчалик қатнашувчи мутахассислар овозга эга эмаслар, керак бўлган ҳолларда ўрта тиббиёт ходимлари вакиллари ҳам таклиф этилиши мумкин. Формуляр қўмитаси дори воситаларни

киритилишини ёки қутидан чиқари-
лишини ДФЦ томонидан ўрнатилган
қонун-қоидаларга мувофиқ олиб бо-
рилади.
Формуляр қутилари учун дори во-
ситаларини танлаш шароитида ДФК
аъзоларидан ҳеч бири ишлаб чиқа-
рувчилар ва дистрибьюторлар билан
боғлиқ алоқада бўлмаслиги керак.
Ҳозирги вақтда формуляр тузиш-
да фақатгина дори воситалари
номигина келтирилган оддий қўл-
ланмадан фойдаланиш билан чега-
раланиб қолмасликка ҳаракат
қилинмоқда. Агар даволаш муас-
сасининг молиявий имкониятлари
етарли бўлса, формуляр қутисида
келтирилган дори воситасининг
тўлиқ клиник хоссалари ҳақида
ахборот берувчи формуляр мақо-
лаларини чоп этишни мақсад-
га мувофиқдир. Асосийси бу
ахборот бошқа адабиётлардан
топиш қийин бўлган маълу-
мотлардан иборат бўлиши керак.
Формуляр мақолада қуйидаги маъ-
лумотлар келтирилади:
1. Дори моддасининг халқаро ёки

кўп компонентли дори воситалари учун савдо номи.
2. Дори воситасининг асосий синонимлари.
3. Асосий фармакологик таъсири.
4. Фармакодинамика ва фармакокинетикаси
5. Ножўя таъсири.
6. Қўлланилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар.
7. Қўлланилиши.
8. Бошқа дори воситалари билан таъсири
9. Эҳтиёт чоралари.
10. Тиббиёт ходимлари учун кўрсатма (тайёрлаш усули, даволаш шароитида олиб бориладиган назорат, дори воситасининг лаборатория анализлари натижасига таъсири).
11. Бемор учун ахборот.
12. Ишлатилиши, қўллаш схемаси ва дозалари.
13. Дори формалари, таркиби.
14. Дозаси кўпайиб кетгандаги ҳолатларни йўқотиш чора-тадбирлари ҳақида ахборот.
Шундай қилиб, формуляр мақо-

ка ва бошқа шунга ўхшаш маъ-
лумот тўпланган формуляр кўр-
сат-формуляр маълумотномани
ташкил қилади.
Кўпинча формуляр маълумотномани
кўрсатилар турларини келтирамиз:
1. Алоҳ даволаш-профилактика
муассасасининг формуляр кўрсат-
киш маълумотномаси. Бу формуляр
кўрсатмалар табобат ходимларидан
шу даволаш муассасасида фойда-
ниш формуляр кўрсатмаларга кири-
тилган дори воситаларидан фой-
даланиш маълумотини юклайди.
2. Маҳаллий худуд ёки вилоят миқ-
ёсида тузилган формуляр кўрсатки
маълумотномаси. Бу формуляр
кўрсатмалар қайси худуд ва ви-
лоятда тасдиқланган бўлса, ўша
жойларда мажбурийдир.
3. Миллий формуляр кўрсатма ёки
маълумотномаси. Давлат соғлиқни
сақлаш тизимида ишлатишга
мўлжалланган бўлади.
Формуляр кўрсатма ва маълумот-
номалар ҳар доим қайта кўриб
чиқиб тузилиши лозим. Қайта
кўриб чиқиш шунингдек бу кўр-

лаплардан баъзи дори воситасини чиқариб ташлаш ёки уларнинг ку-қурида тиқ бўлган формулалар рўйхатга киритишга ёрдам беради.

Махсус рўйхатлар етишмаётган ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида соғлиқни сақлаш муассасалари, ташкилотлари ва бошқа тиббиёт муассасаларининг ихтиёрида фаолият кўрсатишларининг асосий шартларидан биридир.

Формуляр рўйхат билан бир қаторда формуляр тизимининг асосий қисмларидан бири - бу даволаш стандартларидир. Даволаш стандарти касаллик ва уларнинг симптомларини самарали даволашга қаратилгандир. Тиббиёт муассасасининг техник воситалар (ташхис қўйиш ва даволаш) билан таъминланганлиги, дори маблағининг ҳар хиллигини, шунингдек тиббиёт ходимлари касб маҳоратининг ҳар хиллигини инобатга олган ҳолда, даволаш стандартлари барча муассасалар учун бир хил бўлиши мумкин эмас.

Даволаш стандарти - даволаш

самарадорлигини ва хавфсизлигини кўрсаткичларини белгилаб берувчи даволаш сифати бўлиб, шифокорлар учун қўлланма вазифасини ўтайди. Формуляр рўйхати ва даволаш стандартлари биргаликда ишлаб чиқилиши керак. Даволаш стандартлари қуйидаги қисмлардан иборат:

1. Даволаш мақсади.
2. Даволаш самарадорлиги кўрсаткичи
3. Даволаш мониторинги.

Даволаш стандартларида беморларни ташхисларига ажратиш, даволаш ва дори воситалари сифати, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича тавсиялар келтирилади.

Формуляр тизимининг энг асосий шартларидан бири дори воситаларини ажратиш ва уларни формуляр рўйхатига киритиш (халқаро патентланмаган) номи билан киритишдир.

3.1 Тошкент вилоят ўсма касалликлар клиникаси фаолияти.

Хавфли ўсмаларга қарши кураш даврида барча мамлакатларда соғлиқни сақлашнинг

асосий масалаларидан бири бўлиб ҳисоб-ланади. Ўзбекистон Республикасида ўсмага қарши кураш давлат томонидан махсус онкологик хизмат орқали амалга оширилади. Онкологик хизматни Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқаради.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган ўсма касалликлар диспансерлари – онкологик хизматнинг асосий таркибий қисми бўлиб мустақил муассасалар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда тиббиёт техникаси соҳасида эришилаётган ютуқлар турли хавфли ўсмаларни барвақт аниқлаб берадиган юқори самарали усуллар мавжуд. Бу эса касалликнинг ўз вақтида даволаш имконини беради.

Мамлакатимизда юқори малакали тиббиёт ёрдамини кўрсатиш, аҳолига зарур бўлганда даволаш профилактика муассасаларида беморларга маслаҳат бериш каби, барча шароитлар мавжуд. Касалли-

ўсма профилактикасининг асосий
шакли диспансеризация эди.

Бизга маълумки, Тошкент вилояти ўз таркибига Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарларини Оққўрғон, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Бўка, Зангиота, Қибрай, Қуйи-Чирчиқ, Паркент, Чиноз, Юқори-Чирчиқ туманларини ўз ичига олади. Бу тизимда ишлаётган Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери худди шу туманлар аҳолисига онкологик хизмат кўрсатади.

Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери Тошкент вилоят аҳолисига стационар ва амбулатор хизматини кўрсатиш билан бирга онкологик масалалари бўйича даволаш профилактика муассасаларига ташкилий методик бошқарувни амалга оширади. Диспансер ҳар йили Тошкент вилояти бўйича аҳолининг онкологик тадбирларини планлаш режасини ишлаб чиқади, хавфли ўсмаси бор беморларни аниқлаш учун мўлжалланган профилактик кўриклар

дори воситалари қийматини таҳлили натижалари келтирилган.

Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансерига давлат ажратмалари 2009 йилда 401803,900 сўмга тенг бўлиб, шундан 73493,900 сўм дори-дармонга, 51224,600 сўми эса озиқ-овқатга ишлатилган. 2010 йилда 446451,900 сўм бўлиб, шундан 75267,500 сўм дори дармон сотиб олишга, 51249,400 сўм озиқ-овқат учун ишлатилган. Давлат ажратмалари 2011 йилда 580065,100 сўмга тенг бўлиб, шундан 43376,300 сўм озиқ-овқат сотиб олиш учун, 78823,100 сўм дори-дармон ва боғлов воситалари сотиб олишга, қолган қисм маблағлар бошқа турдаги харажатларга ишлатилган.

Кўриниб турибдики, ўсма касаллиги бўйича беморларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари учун сарф харажатлари: 2010 йилда 10,2% га, 2011 йилда 10,4% га ошган. Умумий ҳисобда 2009-2010 йиллар давомида ўсма касалликларини даволашда қўлланиладиган

лари умумий сони 4790 тани таш-
кил қилган бўлиб, улардан хавфли
ўсмага қарши дори воситалар чет
давлатлар бўйича 69 тани, МДҲ дав-
латлар бўйича 21 тани ўз ичига ола-
ди. Жами ўсмага қарши дори
воситалар 90 та.

2008 йил 12-сонли Давлат Реестри-
да қайд этилган барча дори восита-
лари умумий сони 4790 тани таш-
кил қилган бўлиб, улардан хавф-
ли ўсмага қарши дори воситалар
чет давлатлар бўйича 69 тани, МДҲ
давлатлари бўйича 21 тани ташкил
қилган. Жами ўсмага қарши дори
воситалар 90 та.

Биз охирги 2008 йил 12-сонли Дав-
лат Реестри маълумотлари асосида
онкологияда ишлатиладиган савдо
номи билан қайд этилган дори
воситаларининг ишлаб чиқарувчи дав-
латлар бўйича таҳлилини ўтказдик.

Унга асосан барча қайд этилган
ўсмага қарши дори воситалари
90 та бўлиб, 18 та дори воситаси Рос-
сияда, 11 таси Австрияда, 9 таси Ирлан-
да, 9 таси Ҳиндистонда, 8 таси
Швейцарияда, 7 таси Нидерландия, 4 таси

Германияда ишлаб чиқарилган. Аргентина, Украина ва Буюк Британия давлатларида 3 тадан, Латвия, Белгия, Италия, Корея, Франция, Австралия 2 тадан, Чехия, Голландия ва Венгрия давлатлари бўйича 1 тадан ишлаб чиқарган ўсмага қарши дори воситасини Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестрда қайд этилган.

Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери бўйича дори воситалари таҳлилотини аниқлашда ABC/VEN таҳлил усулларини қўллаш.

Дори воситалари таъминотида мавжуд маблағлардан оқилона фойдаланиш турли давлатлар соғлиқни сақлаш тизимида энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида 80% дан ортиқ маблағлардан оқилона фойдаланилмаслиги аниқланган. Улардан:

10% - нархи қиммат дориларни танлаш оқибатида;

14% - дори воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун маблағ етишма-

ши оқибатида;
19% - дори воситалари тақсимоти тизимидаги камчиликлар ҳисобига;
15% - дори воситалари нотўғри буюриш натижасида келиб чиқадиган кўпгина қарашлатларни ҳолати натижасида;
3% - дори воситаларини нотўғри қабул қилиш натижасида йўқотилади.

Юқоридаги маълумотларга кўринича тарзда, 27% дори воситаларининг бутун талаби нотўғри олиниши натижасида йўқотилади.

Биз изланиш олиб бораётган Тошкент вилояти ўсма касалликлар диспансери ҳолида ички дорихона фаолият кўрсатиб, у диспансердаги бўлимларни дори воситалари, тиббий асбоб-ускуналар, ҳамда дори моддалари субстанцияларидан дорихонада тайёрланган дори воситалари билан таъминлаш ишларини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлаш тизимлари қиймати, дори воситаларини харид қилиш учун ажрат-

телаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва оқилона кўрсатилаётган даволаш профилактика давлат дори воситалари сиёсатини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 30.12.2011 йилда „Асосий дори воситалари рўйхати"ни тасдиқлаш тўғрисидаги №342-сон буйруғи чиқарилди. Унга кўра ЮПМларда даволаш формулярлари рўйхати тузилди. ЮПМда фақат шу формулярга кирган дори воситаларидан фойдаланилади. Дори воситалари харид қилинишини аниқлаш, улардан қайси зарур ва муҳимларини ажратиш учун ABC/VEN таҳлиллар ўтказилди.

ABC-таҳлил ўтказиш учун Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери таҳлил объекти сифатида олинди. Бу ерда 3 йил давомида даволанган беморлар учун сарфланган бюджет томонидан ажратилган маблағлар таҳлил қилинди. Қуйидаги диаграммада 2009 йил - 2011 йиллар оралиғида диспансер бўлимларида даволанган беморлар учун сарфланган

бўлиб ҳисобланади.

Давлат Реестри дори воситаларини тиббиётда қўлланилишига рухсат этиш бўйича буйруқ ва рухсатномалари, дори воситалари ва тиббиёт техникаларининг меъёрий ҳужжатлари асосида тузилган. Реестрга 50 та давлатнинг 325 дан ортиқ фирмалари томонидан қайд этилган 5508 та дори воситаси ва тиббиёт буюмлари рўйхати киритилган. Бу маълумотлар жадвал кўринишида савдо номи, дори шакли, халқаро патентланмаган номи, ишлаб чиқарувчи давлати, фармакотерапевтик гуруҳи, қайд этиш санаси ва рақамлари кўринишида акс эттирилган.

2006 йил 10-сони Давлат Реестрида барча дори воситалари ва тиббиёт техникаси буюмлари 4701 та бўлиб, улардан чет давлатлар бўйича 86 та, МДҲ давлатлари бўйича 19 та. Улардан хавфли ўсмага қарши дори воситалар чет давлатлар бўйича 86 та, МДҲ давлатлар бўйича 8 тани ташкил қилади.

2007 йил 11-сони Давлат Реестрида қайд этилган барча дори восита-

Алкалоидлар гуруҳига - винобластин ва винкристин киради. Цитотоксик антибиотиклар гуруҳига метотрексат, доксорубицин киради.

Ўсмага қарши гормонал дори воситаларига полиэстрадиол фосфат, фосфоэстрол киради.

Ўзбекистон Республикаси фармацевтика бозорида ўсмага қарши дори воситалар ассортиментини таҳлил қилиш учун Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси маълумотларидан, Ўзбекистон Республикаси Давлат Реестри маълумотларидан фойдаланилди.

Бу маълумотларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги маълумотларга эга бўлдик.

Бизга маълумки, Давлат Реестри Ўзбекистон Республикаси „Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунига асосан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар йили нашр этилади ва дори воситасининг муомаласи билан шуғулланувчи барча муассаса, ташкилотлар учун расмий қўлланма

Тахлилларни аниқлаштириш мақса-
дида Тошкент вилояти ўсма касал-
ликлар диспансери стационар ре-
цептураларини тахлил қилдик. Бунинг
учун 2007-2008 йиллар фаолияти-
ги беморларнинг касаллик варақа-
лари ўрганилди, шифокорлар то-
монидан буюрилган дори воситала-
ри тахлил қилинди. Тахлил нати-
жалари жадвалларда келтирилди.

Бу натижалардан шу нарса аён
бўлдики, ишлатиладиган дори воситала-
ри асосан 3та гуруҳ ўсмага
қарши воситалардан, ўсма анти-
тобиотиклар, алкалоидлар ва бошқа
ўсмага қарши дори воситалардан
ташкил топгандир.

Ўсмага қарши дори воситалар
ўзи эса алкил воситалардан,
антиметаболитлардан, алкалоидлар-
дан ва бошқа ўсмага қарши
дори воситалардан ташкил топ-
ган. Алкил дори воситаси гуру-
ҳига циклофосфамид, ифосфамид,
фосфамид киради. Циклофосфан
антиметаболит гуруҳига - синтетик
дори воситалардан фторурацил
метотрексат киради.

дори воситаси гуруҳлар сонини фармацевтик саноат ишлаб чиқарадиган гуруҳлар сонига нисбати билан белгиланади:

$$K_n = \frac{K_x}{K_m}$$

$K_x$ - ҳақиқий кенглик
$K_n$ - кенглик коэффициенти
$K_m$ - мавжуд кенглик

Ассортиментнинг тўлиқлиги - бу дори тури воситасидаги турларининг миқдори билан белгиланади.
Уни характерлаш учун ҳам тўлиқлик коэффициентини топиш зарур.

$$T_n = \frac{T_x}{T_m}$$

$T_n$ - тўлиқлик коэффициенти
$T_x$ - ҳақиқий тўлиқлик
$T_m$ - мавжуд тўлиқлик

Ассортиментнинг чуқурлиги - ҳар бир дори воситаси гуруҳидаги ҳар бир дори-дармоннинг алоҳида сортлари, ўлчамлари бор йўқлиги билан характерланади. Ассортимент чуқурлик

ўтказишини назорат қилади, уларни самарадорлигини аниқлайди.

## 3.2 Онкологик касалликларда қўлланиладиган дори воситалар ассортименти ва тақсимотини ўрганиш.

Ассортимент – бу номенклатура деган маънони билдириб, маҳсули тур номдаги маҳсулотлар таркиби ва ўзаро нисбатини бир-биридан сорти, нави, ўрами, шакли, ранги, ташқи кўриниши ва бошқа белгилари билан ажралиб турадиган тушунчадир.

Дори воситалари ассортиментини вужудга келиши деб, аҳолининг талабига қараб ассортиментнинг тўлиши ва янгиланиши тушунилади. Ассортимент қуйидаги кўрсаткичлар билан фарқланади.

Ассортиментнинг кенглиги – бу ассортимент гуруҳлари ёки синфларининг сони билан белгиланади.

Ассортиментнинг кенглик коэффициент аниқлаш йўли билан топилади.

Кенглик коэффициенти бу бор

коэффициенти қуйидагича топилади

$$Ч_п = \frac{Ч_х}{Ч_т}$$

$Ч_п$ – чидирлик коэффициенти
$Ч_х$ – ҳақиқий чидирлик
$Ч_т$ – мавжуд чидирлик

Онкологик касалликларни даволашда бозор сегменти таркиби ва барча бўлган ассортиментнинг таҳлили асосий ўринни эгаллайди. Ассортиментни таҳлил қилиш учун биз адабиётлар шарҳида келтирилган онкоурологик касалликнинг кечиши даврида мавжуд бўлган даволаш усуллари, даволаш стандартлари ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган формулярлар ўрганиб чиқилди.
Унга кўра, юқоридаги онкоурологик касалликларни даволаш воситаларини қуйидаги фармакотерапевтик гуруҳларга ажратишимиз мумкин:
1. Ўсмага қарши дори воситалари.
2. Ўсмага қарши гормонал дори воситалари

3. Гармонлар
4. Иммуностимуляторлар
5. Витаминлар
6. Иммунобиологик воситалар
7. Бошқа урологияда ишлатиладиган дори воситалари.

Диспансердан олинган натижалар асосида ҳар бир фармакотерапевтик дори воситаси гуруҳининг сонини таҳлил қилдик.

Шунга асосан қовуқ саратонини даволашда ўсмага қарши дори воситалар даволашда ишлатиладиган барча дори воситаларининг 89,6%ни, буйрак саратонини даволашда улар 65,9% ни, простата бези саратонини даволашда 73,8% ни ташкил қилди. Буйрак саратонини даволашда ишлатилаётган дори воситалари ассортиментини эса 34,1% ни иммуностимуляторлар ташкил қилади. Қовуқ саратонида бу кўрсаткич 9,6% га тенгдир. Простата бези саратонини даволашда барча дори воситаларининг 73,8% ўсмага қарши дори воситалари бўлса, 26,2% гармонлардан ташкил топган.

1-расмларда Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери бўйича 2009-2011 йилларда онкологик касалликларда қўлланиладиган дори воситалар таъминоти таҳлили натижалари келтирилган. Таҳлил натижаларига кўра 2009 йилда дори воситалари таъминоти бюджет ҳисобига 62% беморлар томонидан 19%, шартномали тартибдаги таъминот (тендер) 18% ва қувват ёрдами бўйича таъминот 1%ни ташкил этган.

2-расмда 2010 йилда дори воситалари таъминоти бюджет ҳисобига 66%, беморлар томонидан 18,8%, шартномали тартибдаги таъминот (тендер) 15,8% ва қувват ёрдами бўйича таъминот 0,4%ни ташкил қилган.

3-расмда 2011 йилда дори воситалари таъминоти бюджет ҳисобига 67,08%, беморлар томонидан 18,5% шартномали тартибдаги таъминот (тендер) 12,3% ва қувват ёрдами бўйича 1,9%ни ташкил қилган.


ОНКОЛОГИК ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАЪМИНОТИ ХОЛАТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР
ТИББИЙ ОМИЛЛАР
ФАРМАЦЕВТИК ОМИЛЛАР
ИҚТИСОДИЙ ОМИЛЛАР
ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР
ҲУҚУҚИЙ ОМИЛЛАР
ДЕМОГРАФИК ОМИЛЛАР
1. Касалланиш структураси ва касалланиш кўрсаткичи.
2. Шифокорлар-нинг малакаси.
3. Даволаш усуллари.
4. Даволаш муддати.
5. Ахолининг тиббий санитар даражаси.
1. Дори воситалари ассортиментининг янгиланиши ва харакати.
2. Дори воситаси-нинг самарадорлиги ва ишлатишга қулайлиги.
3. Дори воситалари-нинг ножўя таъсирлари.
4. Бозорнинг ахборот билан таъминланиши.
1. Ахолининг яшаш шароити.
2. Ахолининг дори восита-ларини сотиб олиш қобилияти
3. Соғлиқни сақлаш тизими-нинг харажатлар миқдори.
4. Дори восита-лари нархи.
1. Хаводаги канцероген моддаларнинг миқдори.
2. Атроф муҳитнинг тозалиги.
3. Регионнинг об-хаво шароити
1. Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳуқуқий асослари.
2. Соғлиқни сақлаш тизимини давлат томонидан қўллаб қувватланиши.
3. Экология бўйича ҳуқуқий буйруқлар.
1. Туғилиш даражаси.
2. Ахолининг ёши ва жинси бўйича таркиби.
3. Ахолининг турмуш тарзи.




**1- расм.** Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери 2009 йил учун дори воситалар таъминоти таҳлили




**2- расм.** Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери 2010 йил учун дори воситалар таъминоти таҳлили




**3- расм.** Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери 2011 йил учун дори воситалар таъминоти таҳлили




**4- расм.** Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери 2009-2011 йил учун дори воситалар таъминоти таҳлили

Хулоса.

Онкологик касалликларда қўлланиладиган дори воситалар ассортиментини ўргандик.

Тошкент вилояти ўсма касалликлар клиникаси фаолиятини ўргандик.

Замонавий тиббиётда ишлатиладиган дори воситаларини инсонларни даволашдаги аҳамиятини ўргандик.

Онкологияда қўлланиладиган дори воситаларини истеъмол таҳлили ўтказилди (2008-2012 й.й).

Тошкент вилояти ўсма касалликлар диспансерини дори воситалари билан таъминланганлик ҳолати таҳлил қилинди. Таҳлил натижасига кўра охирги йилда дори воситаларининг 67,08% бюджет, 12,35% марказлашган, 1,98% мурувват ёрдам, 18,59% беморларнинг ўзлари тўлашидан таъминланганлиги аниқланди.

Таҳлил натижалари Тошкент вилояти ўсма касалликлар диспансери Давлат бюджетидаги ҳолатни тасдиқлайди.

## Адабиётлар рўйхати.


1. Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси 1997 йил 25 апрел қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори. "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида.
3. Каримов И.А., Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" Т., 2009й 4-12 бет.
4. Яковлевой Л.В. Фармакоэкономика "Учебное пособие для студентов высших учебных заведений - Харьков, издательство НФаУ 2009. - С. 12-132.
5. Аксенова О.Г. Принципы фармакоэкономических исследований // Клиническая фармакология. - Москва, 2002. - №4 - С. 91-98.
6. Н.К. Муродуллаев, Т.К. Худойкулов, И.О. Тилляев. Онкология // Ўқув адабиёти, "Абу Али ибн Сино" номидаги тиббиёт нашриёти - Тошкент 2002. - С. 4-38, 144-157.
7. Наврузов С.Н. Состояние онкологической службы в Узбекистане и перспективы ее развития. // Ўзбекистон тиббиёт журнали, № 2-3, 2001 й стр 4-6.

8. Москва, П.А. Герцена командами Онкологичес научный исследовательский институты сайты http://www.mnioi.ru/
9. Белоусов Ю.Б., Быков А.В. Фармакоэкономика: оптимальный выбор формуляров // Фарматека – Москва, 2003 №3 – С.10.
10. Воробьёв А.И. Медицина важно перечень. Нужно учиться жить и мыслить по новому // Ремедиум №3 – 1999г стр 8-10.
11. Оренова Н.Б, Овод А.И. качество жизни больных с доброкачественной гиперплазией предстательной железы // Военно-медицинский журнал. – Москва, 2005 – №11 – С.60-61.
12. Горьков В.А. Первый всероссийский конгресс „Фармакоэкономика на рубеже третьего тысячелетия" // Фарматека – Москва, 1999 №6 – С38-40.
13. Кобля Г. Основы экономической оценки Фармакоэкономика в России. Первый опыт – М., 1998. – С. 3-5.
14. Кобина С.А. Фармакоэкономика. Первые шаги в Российской системы здравоохранения // Фармацевт – Москва, 1999 №5 – С 20-23.
15. Муканов К.Б. Фармакоэкономическая оценка лечения больных вирусным гепатитом „А" и „В": Автореф дисс. ... канд. фарм. наук. Бишкек, 2004 – 25с.
16. Модинов О.П., Новиков Г.А, Родионов В. Костные метастазы рака молочной железы. М. 2001г стр 85.

17. Летягина В.П. Первичные опухоли молочной железы. Москва. 2005. С. 7-17. 90-105.
18. Романенко В.А. Фармакоэкономика и государство // Аптека. - Москва, 2001 №15 С. 10-12.
19. Журнал „Практическая онкология" http://www.rosoncoweb.ru/ - профессионал сайт Journal of Clinical Oncology за 1999-2007 г
20. Россия Н.Н. Блохина РАМН номидаги Илмий насаммилар илмий марказ сайти www.ronc.ru.
21. Фисенко В.П. Фармакокинетика и фармакодинамика лекарственных средств: значение пола добровольцев и пациентов.
22. Терновский А.П. Проведение тендеров лекарственных закупок на уровне ЛПУ // Глав. врач - 2001 г №5 стр 61-62.
23. Коновалова В.Н. Рак молочной железы и метоболизм эстрогенов // проблемы репродукции // - Москва, 2007 №5 С. 15-20.
24. Ефремова Н.Б., Солнышко В.А., Овод А.И. Фармакоэкономический анализ фактической терапии в условиях стационара // Экономика здравоохранения. Москва. 2005 №1 С. 39-47.
25. Игнатова О.Г. Принципы фармакоэкономических исследования // клиническая фармакология. Москва, 2002 №4 С. 81-86.

**Умарова Ироданинг "Ўсма касалликларида ишлатиладиган дори воситаларининг таъминотини ўрганиш бўйича изланишлар" Битирув малакавий ишига**

# ТАҚРИЗ

Ҳозирги жамиятимизда рак муаммоси энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда, БЖССТ маълумотига асосан, 2002 йилдан 2020 йиллар оралиғида онкологик касалликлар бўйича касалланиш ва ўлим кўрсаткичи бутун дунё бўйича 2 мартага кўпайиши кўзда тутилмоқда. Яъни 10 млн дан 20 млн гача янги касалланиш кўрсаткичи ва 6 млн дан 12 млн гача рўйхатга олинадиган ўлим кўрсаткичи.

Ривожланган давлатларда хавфли ўсма натижасидаги ўлим кўрсаткичи ва касалланиш кўрсаткичи пасайиши тенденциясида эпанлигини кузатиш мумкин. Бу профилактик кўриклар, замонавий диагностика ва даволаш воситаларининг самараси оқибатидир.

1998 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида" ги фармони эълон қилинди. Шу фармон ижроси сифатида "Хавфли ўсма касалликларини олдини олиш ва камайтириш" Давлат Дастури қабул қилинганлиги ҳам бу соҳага Давлатимиз томонидан жуда жиддий эътибор қаратилганининг ёрқин мисолидир.

Мазкур БМИ ўсма касалликларида қўлланиладиган дори воситаларининг таъминоти таҳлилига бағишлангандир.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши 50 саҳифадан иборат бўлиб, кириш, 4 та боб, умумий хулосалар, адабиётлар рўйҳатидан ташкил топган. Диссертацияда 1та жадвал ва 4 та расм мавжуд. Иловада расмий ҳужжатлар келтирилган. Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати 37 та манбаъларни ўз ичига олади.

БМИ биринчи бобида адабиййтлар шархи келтирилган, Ўзбекистон Республикаси даволаш профилактика муассасаларини дори воситалари билан таъминлашнинг хуқуқий асослари ўрганилган. Ўзбекистон Республика бўйича аҳолининг сифатли дори воситалари билан таъминлаш муаммолари ўрганилган.

Иккинчи бобда Онкологик касалликларда ишлатиладиган дори воситалари ассортиментининг контент-таҳлили ўтказилган(2009-2012 йй.). Тошкент вилоят ўсма касалликлар диспансери бўйича дори воситалари билан таъминланиши ҳолати таҳлил қилинди. Таҳлил натижасига кўра охирги 2012 йилда дори воситаларининг 67,08% бюджет, 12,35% марказлашган, 1,98% мурувват ёрдам, 18,59% беморларнинг ўзлари томонидан таъминланганлиги аниқланган.

Битирув малакавий ишида қуйидаги камчиликлар мавжуд:

1.БМИ да Тошкент вилояти ўсма касалликлар диспансери дорихона шароитида тайёрланадиган дори воситалар таъминотини ҳам ўрганилганда, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

2.БМИ ни ёзиш жараёнида изчилликка амал қилинмаган.

3.БМИда айрим орфографик ва стилистик хатолар мавжуд.

ХУЛОСА. Умарова Ироданинг "Ўсма касалликларида ишлатиладиган дори воситаларининг таъминотини ўрганиш бўйича изланишлар" мавзусидаги БМИ ўзининг долзарблиги, янгилиги билан БМИ га қўйиладиган хамма талабларга мос келади.

**ДВЭСДМ, ТТУ ва ТБСНҚ лабараторияси мудири, ф.ф.н.** **А.А.Ашуров**

**Тошкент фармацевтика институти**

**Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси**

**мажлис баёнидан**

**КЎЧИРМА**

**Тошкент ш.** **23-сонли** **18.06.2013 йил**

**Қатнашдилар:** кафедра мудири доцент, ф.ф.н. Ш.З.Умарова, доцентлар: б.ф.н. З.Ш. Хидоятова, ф.ф.н. Д.Т.Соипова, ф.ф.н. Н.Д.Суюнов С.Ш. Зульфитдинова, М.З. Исломова, доц. в.б. ф.ф.н. Г.А. Султонова, , катта ўқитувчилар: ф.ф.н. Б.С.Темиров, ф.ф.н. Г.М.Икрамова, Г.Э. Содиқова, М.Я. Саидова, М.Н. Зияева, ассистентлар: М.М. Шокиров, Р.А. Мадраимова, З.У. Маматкулов, Д.А.Назирова, Н.А. Шоахмедова, З.А. Умарова, 2 курс магистрантлари.

**Кун тартиби:** Битирув малакавий ишини тинглаш ва ҳимояга тавсия этиш.

**Эшитилди:** Фармация факультети, Қайта тайёрлаш курси талабаси Умарова Ирода "Ўсма касалликларида ишлатиладиган дори воситаларининг таъминотини ўрганиш бўйича изланишлар" мавзусидаги битирув малакавий иши тингланди ва мухокама қилинди. Берилган саволларга қониқарли жавоблар олинди ва ҳимояга тавсия этилди.

**Қарор қилинди:** Фармация факультети, Қайта тайёрлаш курси талабаси Умарова Ирода "Ўсма касалликларида ишлатиладиган дори воситаларининг таъминотини ўрганиш бўйича изланишлар" мавзусидаги битирув малакавий иши ҳимояга тавсия этилсин.

Раис: доц. Ш.З.Умарова

Котиба: кат.ўқ. Г.М.Икрамова